Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 апрель, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 78 (1331)

# ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

**Давлатимиз раҳбари Франция Президенти Жак Ширак билан учрашади, ЮНЕСКО ижроия Кенгаши сессиясида қатнашади, Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» деб аталган Ўзбекистон ҳафталигининг очилиш маросимида иштирок этади.**

(Ушбу ташрифга оид материаллар газетанинг 2-саҳифасидан жой олган).

*ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам жаноб Президент,*

*Ўзбекистонга қилган ташрифимиз пайтида Сиз менга, рафиқамга ҳамда мен раҳбарлик қилган делегацияга кўрсатган меҳмондўстлик учун астойдил миннатдорлик билдиришни истар эдим.*

*Мен Ўзбекистон билан Европа иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи ҳақидаги очиқ ва самарали фикр алмашувимизни юксак баҳолайман ҳамда бу борада яқин орада жиддий ютуқларга эришишимизга ишончим комил. Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим — умид қиламанки, у апрель ойининг охирида қўшма комиссия мажлисида тасдиқланади — ўзаро муносабатларимизнинг мустаҳкамланиши учун зарур асос бўлиб хизмат қилади.*

*Бундан ташқари, мен Сизнинг гўзал тарихий шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорога қилган энг қизиқарли ва таассуротларга бой сафаримизда ҳамроҳ бўлганингиз учун ҳам миннатдорлик билдираман. Бу сафар бизда мамлакатингиз ва халқингизнинг ноёб тарихи ва маданияти ҳақида ёрқин таассурот қолдирди. Мазкур сафар, шунингдек, Сизнинг Ўзбекистоннинг қўшнилари, Европа ва бутун дунё билан муносабатларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши учун қилаётган хизматларингиз ҳақидаги тасаввуримизни ҳам бойитди. Ўзбекистонга қилажак янги сафаримни сабрсизлик билан кутиб, Сизга камоли эҳтиром ила,*

**Ханс Ван Ден БРУК,**
**Европа Ҳамжамиятлари Комиссияси комиссари.**

## «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

*Вазирлар Маҳкамасида 19 апрель куни Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси таъсис конференцияси бўлди. Уни республика Бош вазири Ў. Султонов бошқарди. Конференцияда республика вазирликлари, қўмиталари, идоралари, концерн, корпорация, уюшмалар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар раҳбарлари қатнашди.*

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, уларда юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатлари ҳамда замонавий ишбилармонлик хислатларини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Таъсис конференциясида республика Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шундай ғамхўрликлардан яна бири эканлиги таъкидланди. Жамғарма ёшларни бугун республикамизда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнига фаол жалб этишда, пировардида эса Ватанимиз буюк келажагини таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Таъсис конференциясида «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси этиб республика Президентининг Олий Мажлисдаги вакили Ҳотам Абдураимов сайланди.

Конференцияда «Камолот» жамғармасининг низоми қабул қилинди.

Таъсис конференциясида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Х.Жўраев, республика Бош вазири ўринбосарлари Д.Ғуломова, Б.Ҳамидов, С.Саидқосимов, М.Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

## АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

**Бугун футбол бўйича V республика чемпионати очилади**



*Бу йил анча кечиккан баҳор футбол мухлисларининг кайфиятини хиралаштиришни хоҳламаганга ўхшайди. Чунки олий ва биринчи лига командалари ўртасида Ўзбекистон бешинчи миллий чемпионати очиладиган кунда қуёш чарақлаб кетди. Футболчилар янги спорт мавсумида мухлисларини нима билан хурсанд қилишади? Бу саволга республика Футбол федерациясининг бош котиби Зокир ҚУРБОНОВ жавоб беради.*

— Бу йилги чемпионатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бошланиши арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» жуда муҳим қарор қабул қилди. Бошқа МДҲ мамлакатларида бундай қарорлар қабул қилинмаган. Шу сабабли ҳам унинг аҳамияти жуда беқиёс. Бу ҳужжат Президентимиз Ислом Каримов ва мамлакатимиз ҳукумати республикамизда футболни ривожлантириш, уни қисқа вақт ичида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганининг далилидир.

Бу қарорни амалга ошириш чемпионат бошланишига қадар жойларда футбол клублари тузишга имкон берди. Бу клублар олий лига командаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уларнинг спорт маҳоратини самарадорлик билан оширишга, ўринбосарлар тайёрлаш масалаларини ҳал қилишга имкон беради.

Клублар, федерациялар тузишга, стадионларни акциялаштиришга ҳамма вилоятларда ҳам масъулият билан ёндашилди, деб бўлмайди, албатта. Масалан, фақат Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Наманган вилоятларидагина федерациялар иши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Республика Футбол федерацияси стадионларни янги мавсумга тайёрлашни қаттиқ назорат қилди. Мутахассисларимиз Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси мутахассислари билан биргаликда икки марта вилоятларга бориб, стадионлар мавсумга қандай тахт қилинаётганини, уларнинг таъмирланиши ва қайта қурилишини текширдилар ва айни пайтда амалий ёрдам бердилар. Натижада 5 апрелга қадар Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Гулистон, Термиз стадионларини қайта қуриш ишлари тугалланди. Қолган стадионлар ҳам чемпионат бошланиши арафасида қабул қилиб олинди.

(Давоми 3-бетда).

## КЕНГАШНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг назорат инспекцияси ҳузуридаги Назорат масалалари ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг назорат инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойишини амалга ошириш юзасидан вазифалар ва республика назорат органлари ишининг аҳволи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси тизимида, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат компаниясининг Тошкент бўлимида, «Ўзбексавдо» давлат уюшмасига қарашли «Маданий моллар» ҳиссадорлик бирлашмасида ва Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасида республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини ўрганиш натижалари бўйича ҳисоботлар эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси устидан назоратни кучайтириш, уларнинг бажарилишини қатъий таъминлаш, республика идоралараро ва идоравий назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, назорат ишларида параллелизм ва текширишларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, уларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, бу ишларни аниқ бир тизим асосида тартибли олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Ушбу масалалар юзасидан мажлисда тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ПРОФЕССОР КОРОРИНИНГ МАЪРУЗАЛАРИ

*Қимматбаҳо қоғозлар бозори бўйича мутахассислар тайёрлаш миллий марказининг таклифига биноан кооператив маблағ билан таъминлаш соҳасидаги таниқли мутахассис, Американинг Колорадо штатидаги иқтисодиёт институти президенти ўринбосари, профессор Сюзан Урроз Корори туркум маърузалар ўқиш учун Ўзбекистонга келди.*

У 19 апрель куни Республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасида бўлган семинарда «Лотин Америкаси мамлакатларининг молиявий меросига назар — ғолиблар ва мағлублар» мавзусида маъруза ўқиди. Маърузада Аргентина, Чили, Мексика ва Венесуэлада рўй берган хусусийлаштириш жараёни батафсил ёритилди. Акционерлаштириш, молиявий сиёсат ҳамда бозор ислоҳотларининг бошқа соҳаларида эришилган ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Бундай ҳолатларнинг Ўзбекистонга хос хусусиятлари ҳам қараб чиқилди.

## ЖИЗЗАХДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

*Жиззахда кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларга назарий ва амалий ёрдам бериш мақсадида халқаро семинар ўтказилди.*

Унда республикамиз олимлари билан бирга хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган мутахассисларнинг «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес», «Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари», «Бизнес режаси — ютуқларнинг асосий гарови», «Рақобат, маркетинг ва агробизнес» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Семинар сўнгида олимлар тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, бизнесни ривожлантиришда тўпланган жаҳон тажрибалари, анъаналари тўғрисида маслаҳатлар берди.

## ЯНГИЛИКЛАР кеча, бугун, эртага

**«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар**




***«Адолат» нашриёти буюк соҳибқирон тўйига яна бир муносиб совға тайёрлади: ҳуқуқшунос А.Саидов ҳамда таниқли француз олими Люсьен Керен ҳамкорлиги самараси — «Амир Темур ва Франция» деб номланган китоб босмадан чиқди. Ундан Соҳибқироннинг Франция қироли Шарль олтинчи ва Кастилия қироли Генрих учинчи билан олиб борган ёзишмаларидан намуналар, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихининг француз шарқшунослик мактаби томонидан ўрганилишига бағишланган мақолалар ўрин олган. Таниқли француз ва ўзбек олимининг буюк бобокалонимизнинг тарихда тутган ўрни ҳақидаги суҳбати —«Темурхонлик мулоқотлари» ҳам китобхонларда катта қизиқиш уйғотади.***

## ХАЛҚ БИРЛИГИ УЧУН

*Ўтган йили тузилган «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг пленуми бўлди.*

Унда республикамизда истиқлолга эришилган давр мобайнида ҳуқуқий ва демократик давлат қуриш учун катта ишлар амалга оширилгани ва уни бутун жаҳон тан олгани қайд этилди. Бу мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов тўғри сиёсий ва иқтисодий йўл танлаганининг далилидир.

«Халқ бирлиги» ҳаракати турли ташкилотлар вакиллари, ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ва миллатларга мансуб одамларни бирлаштирган. Мазкур ҳаракатнинг мақсади Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизда яшаётган барча халқларни шу йўлда бирлаштиришдан иборат.

Пленумда Россия Давлат Думасининг Беловеж шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги республикамиз манфаатларига зид қарорига муносабат билдирилган баёнотнома қабул қилинди.

## УЧ КИШИ БИР МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

*«Бўстонсувқурилиш» трестининг Беруний шаҳрида жойлашган хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси жамоаси бундан икки йил муқаддам Султон Увайс тоғи этагидан шағал қазиб олишни бошлаган эди.*

Натижа ёмон эмас. 1995 йилнинг ўзида бошқарма 1,2 миллион сўм даромад қилди. Аҳамиятлиси шундаки, тоғ этагида бор йўғи уч экскаваторчидан иборат жамоа меҳнат қилмоқда. Уларнинг бу йилги мўлжали 1,5 миллион сўм даромад олиш.

## ФАҚАТ АНДИЖОН ЭМАС...

Жуда қисқа вақт мобайнида — бор йўғи уч ой ичида «Ўздунробита» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси жамоаси Андижонда юқори қувватли уяли телефон алоқа станциясини қуриб, ишга туширди.

Энди фақат Андижон эмас, балки бутун Фарғона водийси аҳолиси жаҳонга машҳур «Моторола», «Эриксон», «Нокия», «Сони» ва «Мицубиси» каби хорижий фирмаларнинг радио телефон аппаратларидан фойдаланган ҳолда узоқ масофаларни дақиқаларда яқинлаштирадилар.

***Наманганда санъат ва тиббиёт билим юртлари маъмурияти ташаббуси билан Амир Темур йилига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Фарғона водийсидаги барча тиббиёт билим юртлари жамоалари иштирок этди.***

***Нурота туманидаги Қадоқ қишлоғида бичиш-тикиш цехи ва дурадгорлик устахонаси иш бошлади.***

***Тадбиркор Иброҳим Эшонқулов саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур кичик корхонада ўндан ортиқ хотин-қизлар ва тўрт нафар дурадгор меҳнат билан машғул. Уларга буюртма берувчилар сони кун сайин кўпаймоқда.***

***Учқудуқ шаҳрида ўтказилган республика кўчмас мулк биржаси Навоий филиалининг «Ким ошди» савдосига иккита уй-жой учун ер майдони, бешта савдо дўкони ва бошқа объектлар қўйилган эди.***

***Бошланғич баҳоси 1 миллион 308 минг сўмлик жами ўнта мулк 3 миллион 442 сўмга сотилди.***

***Гулистон туманида «Туғруқхоналар тизимини қайта ўзгартириш ва улар ишини такомиллаштириш» мавзуига бағишланган вилоятлараро семинар-кенгаш бўлиб ўтди.***

***Йиғинда сўзга чиққанлар ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини назорат қилиш, кўз ёрган оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва бу борада шаҳар ва туманлар раҳбариятининг олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида тўхталдилар.***

***Самарқанд шаҳридаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоят соғлиқни сақлаш стомотологик муассасалари билан ҳамкорликда республикамизда биринчи бўлиб стамотологик ойнача, шпитель, зонд каби ўн икки турдаги стомотологик асбоб-ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқармоқда.***

*УШБУ СОНДА:*

2  ПАРИЖ ЎЗБЕКИСТОННИ КУТМОҚДА

3 ЯНГИ МАВСУМ МУБОРАК!

4 ОРЗУЛАРДАН ТУҒИЛАР ГЎЗАЛ ҚЎШИҚЛАР 

# АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Пойтахтдаги бутунлай қайта қурилаётган «Пахтакор» стадиони эса чемпионат довондан ошганидан сўнг футболчиларни қабул қилади. Умуман, футболчилар ҳамда футболга содиқлиги билан ўйинчилар маҳоратига ижобий таъсир қиладиган мухлислар учун ҳозир ҳамма зарур шароит яратилган. Футболчиларимиз бунга жавобан олий лиганинг 16 клуби ва биринчи лиганинг 27 клуби иштирок этадиган бешинчи миллий чемпионат ўйинларида ҳам, халқаро учрашувларда ҳам яхши ўйин кўрсатиб, мухлисларини хурсанд этишади, деб умид қиламан.

Бу йил Ўзбекистон миллий терма командаси Осиё кубоги учун саралаш мусобақаларида Тожикистон командаси билан учрашади. Биринчи ўйин Душанбе шаҳрида 8 май куни бўлади. Жавоб матчи эса 19 июнда Тошкентда ўтади. XII Осиё ўйинларининг чемпиони бўлган миллий терма командамиз учун бу учрашувларда ғалаба қозониш нақадар муҳимлиги равшан: командамиз ғолиб бўлса, Осиё кубоги учун мусобақаларнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Фарғонанинг «Нефтчи» командаси Осиё мамлакатлари чемпионлари кубоги учун саралаш ўйинларида Душанбенинг «Помир» командаси билан учрашади. Наманганнинг «Навбаҳор» командаси эса Осиё кубок эгалари кубоги учун саралаш мусобақаларида қатнашади. Осиё чемпионатининг иккита саралаш мусобақасида республика ёшлар терма командаси иштирок этади.

Хуллас, бу йил мухлислар кўп ва қизиқарли ўйинларни томоша қиладилар. Футболчиларимиз қизиқарли ўйин кўрсатиб, мухлисларни хурсанд қилишлари, спорт маҳоратларини намойиш этишлари учун ҳамма имконият мавжуд. Бундан ташқари, бу йилги мавсум футболчиларимиз учун 1998 йилда Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик бўлади.

1997 йилда мамлакатимиз миллий терма командаси биринчи марта жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларида иштирок этади. Командамиз Яман, Камбоджа ва Индонезия футболчилари билан учрашади. Кураш осон бўлмайди — жаҳон чемпионатида Осиё мамлакатларидан атиги учта команда иштирок этади. Шу учта йўлланма учун қитъадаги 36 мамлакат футболчилари курашадилар.

Футболчилар ва футбол мухлисларини олий ва биринчи лига командалари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон бешинчи миллий чемпионати очилиши билан табриклар эканман, бу чемпионат давлатимиз мустақиллигининг беш йиллигига ҳамда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланишини эслатиб ўтмоқчиман.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг катта ғамхўрлигига жавобан яхши, чиройли ўйинлар кўрсатиб, юксак спорт натижалари билан халқимизни қувонтириш, унинг мустақил давлатимиз билан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш футболчиларимизнинг бурчидир.

**Светлана ТЕН,**
**ЎзА мухбири.**

## ТЎПУРАРЛАР БАҲСИДА

***Ўтган тўрт чемпионат якунига кўра тўпурарлар баҳсида «Навбаҳор» ҳужумчиси Олег Шацких 64 та тўп киритган ҳолда пешқадамлик қилаяпти.***

Иккинчи ўринни «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси Равшан Бозоров эгаллаб турибди. Унинг ҳисобида 63 тўп бор. Рустам Дўрмонов («Нефтчи») эса Равшандан беш тўп орқада қолаяпти. Бу ўйинчилардан қайси бири олдинга чиқиб олишини мавсум якуни кўрсатади. Улар сафига Фурқат Эсонбоев (52 тўп), Шуҳрат Мақсудовни (46 тўп) ҳам қўшиш мумкин. Улар бу йил «Сўғдиёна» ва «Пахтакор» жамоалари сафида майдонга чиқишади.

## ҲАКАМЛАР ҚАНЧА ҲАҚ ОЛАДИ?

***Олий лига жамоалари ўртасидаги чемпионат ўйинларини бу йил тўрт нафар ФИФА ҳаками, тўрт нафар ФИФА лейнсмани, саккиз нафар республика тоифасидаги ҳакам, икки нафар биринчи тоифадаги ҳакамлар бошқариб боришади.***

Бош ҳакамга бир учрашув учун 5000 сўм, ёрдамчи ҳакамларга 1500 сўмдан, учрашув инспекторига эса 2000 сўм ҳақ тўланади.

# ЯНГИ МАВСУМ МУБОРАК!

## У КЎПЛАБ ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛАЯПТИ

***Мана, ниҳоят юз минглаб футболсеварлар орзиқиб кутган навбатдаги футбол мавсуми бошланадиган дақиқалар ҳам етиб келди. Бугун мамлакатимизнинг етти шаҳрида Ўзбекистон V миллий чемпионатининг байроқлари кўтарилади ва стадионларда юртимиз мадҳияси янграйди. Кишилар қалбини тўлғонтираётган баҳор завқига ҳамоҳанг футбол байрами бошланади. Мутахассисларнинг эътироф этишича бу йилги чемпионат ўйинлари ҳар йилгига нисбатан қизиқарли ўтиши, кескин курашларга бой бўлиши кутиляпти. Зеро, бунинг учун йилнинг бошидаёқ ҳар томонлама катта замин яратилди.***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, футбол мутахассислари, ўйинчилар, мураббийлар каби кўп минг сонли мухлислар ҳам Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини катта қувонч билан кутиб олишди. Футбол тизимида катта бурилиш ясалиб, у ҳақиқий профессионал фаолиятга ўтди ёки бу йўналишда шакллантириш ишлари давом этаяпти. Унинг дастлабки натижалари юз кўрсатди. Айни кунда қайси бир вилоятга боринг, қайси бир жамоа фаолияти билан қизиқинг, улар профессионал клублар асосидаги тизимга дастлабки қадамни қўйишганининг гувоҳи бўласиз. Олий ва биринчи лига жамоалари иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ҳар бир жамоанинг ўз муассислари ва ҳомийлари мавжуд. Энди клубларимиз иқтисодий танглиқдан тамоман халос этилди. Уларда маблағ йўқлиги муаммоси бўлмайди. Стадионларда, клубларнинг ўқув-машғулот базаларида катта таъмирлаш ишлари бажарилди ва футболимиз равнақи учун барча шарт-шароитларни муҳайё этиш ишлари яна давом эттириляпти. Бу эзгу ишлар аввалги йиллардаги каби шу бугунги кунга ёки маълум қисқа даврга мўлжалланган эмас, балки у ўтган йиллардаги ишлардан тубдан фарқ қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг футбол тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят ҳокимлиги ўз қарорини қабул қилган. Уларда футболимиз келажагини белгиловчи болалар ва ўсмирлар футболини профессионал асосда қайта шакллантириш, истиқболга замин ҳозирлаш ишларига катта аҳамият берилган. Хуллас юртимизнинг футболга мутасадди раҳбарлари халқ севган ушбу спорт турининг равнақи учун ҳукумат қандай ишларни амалга ошириши лозим бўлса, бу йўлдаги барча муаммоларни бартараф этиб, ҳамма қулайликларни яратаяпти. Энди ҳамма гап футболчилару, мураббийларда қолаяпти. Ўйлаймизки, улар бу масъулиятни чуқур ҳис этадилар ва футболимизнинг жаҳон майдонига чиқиши учун бор билим ва маҳоратларини ишга солишади. Футболимиз равнақи юртимиз нуфузига мос бўлиши йўлида юксак ватанпарварлик руҳида жонкуярлик кўрсатишади.





Албатта, ҳар бир футбол мухлисининг навбатдаги мавсум олдидан жамоаларнинг имконияти ҳақида ўзига хос тушунчаси, чемпионат якуни тўғрисида башорати бўлади. Шундай бўлса-да, улар матбуот нашрларини титкилаб, мутахассисларнинг бу борадаги фикрларига эҳтиёж сезади. Оддий футбол мухлислари сифатида бизнинг таҳририят ходимларининг фикрича, бу йил чемпионлик учун кураш МҲСК, «Нефтчи», «Пахтакор», «Навбаҳор» жамоалари ўртасида бориши кутиляпти. Бундай хулосага келишимизга ва МҲСК жамоасини биринчи навбатда таъкидлаб ўтишимизга сабаб шуки, IV миллий чемпионатнинг «кумуш» медали соҳиби бўлган бу клуб ўтган йилги ўйинчиларини деярли сақлаб қолди. Фақат дарвозабон А.Беляков «Навбаҳор»га, А.Бозоров «Нурафшон»га, Н.Ҳасанов эса бошқа бир жамоага (унинг «Нефтчи» таркибида пайдо бўлиши кутиляпти) ўтди.

Лекин улар ўрнини Малайзиядан қайтиб келган терма жамоамиз аъзоси Р.Абдуллаев ва бир қатор умидли ёшлар тўлдиришдики, бу жамоа Ўзбекистон кубоги учун дастлабки босқич баҳсларида ҳам кўтаринки руҳда тўп суриб, юқори савияли ўйин кўрсатди.

«Нефтчи» жамоасидан мавсум арафасида бир қатор ўйинчилар кетишган эди. Кеча республика футбол федерациясида ўтказилган мавсум олди матбуот конференциясида маълум бўлдики, кўпчилик мухлисларга яхши таниш бўлган Сергей Лебедев яна «Нефтчи»га қайтган. Шунингдек, айнан Фарғонада тўп суриб, ном қозонган истеъдодли ҳужумчи Рустам Дўрмонов ҳам бу йил «Нефтчи» таркибида майдонга чиқади. Қолаверса, ўтган йилиёқ Фарғонанинг етакчи клуби истеъдодли ёшлардан иборат ўзининг бой захирасига эга эканлигини намойиш этган эди. Бу йил ана шу ёшларнинг янада маҳорат кўрсатиши ва жамоанинг совринлар учун кураш олиб бориши кутиляпти.

Башорат борасида мутахассисларнинг фикри бизникидан бироз фарқ қилади. Олий лига жамоаларида бош мураббийлик қилаётган 8 нафар (МҲСК, «Навбаҳор», «Дўстлик», «Янгиер», «Динамо» (С), «Трактор», «Динамо» (У), «Маъшал») тренер ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра бешинчи миллий чемпионатда юқори ўринларни қуйидаги жамоалар эгаллашади: МҲСК, «Навбаҳор», «Нефтчи», «Пахтакор», «Нурафшон».

Албатта, бу башоратлар нисбий. Ҳақиқий ғолибни майдондаги учрашувлар кўрсатади. Қолаверса, футболда «тўп юмалоқ» деган ақида мавжуд. Ҳозирда ўртамиёна жамоа сифатида кўринаётган «Дўстлик» клуби ҳам чемпион бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Халқимизда «жўжани кузда санайдилар» деган нақл бор. Бизнинг мақсадимиз эса мухлисларни газетага жалб этиш, холос. Таҳририятимиз йил давомида ҳар тур учрашувлардан сўнг шарҳлар бериб боришни режалаштирган. Бу шарҳларнинг ранг-баранг, мухлисларни қониқтирадиган тарзда бўлиши учун таниқли спорт шарҳловчиларини йил давомида газетамизга жалб этиб боришни мўлжаллаганмиз. Ўз навбатида Сиз мухлислардан газетамизни кузатиб боришни ва фикр-мулоҳазаларингиз билан бизга кўмак бериб боришингизни сўраймиз. Сиз азиз футбол мухлисларини янги мавсум билан табриклаймиз, у сизларга маънавий озиқа, олам-олам завқ-шавқ бағишлашини тилаймиз!

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг спорт шарҳловчиси.**


## "Би-Эл-Моторс" қўшма корхонаси

BI-EL-MOTORS

**таклиф қилади:**

- *электродвигателлар:*
  - *3 фазали 4АМ80 типидаги;*
  - *1 фазали 4АМАТ80 типидаги;*
  - *центрофуга аппаратлари ва кир ювиш машиналарига мўлжалланган ДАО, ДАСМ типидаги;*
- *150, 200, 300, 400 мм ҳажмдаги ВТ-9 асбоцемент қувурлари;*
- *ЭЦВ типидаги чўкма насослар;*
- *дераза ва дўкон пештахтасига мўлжалланган ва шунингдек, пардоз берилган ойналар;*
- *автомобиллар учун радиатор ва иситгичлар.*



**Жаноб тадбиркорлар, шошилинг!**
**Биздаги нархлар энг арзон.**

**Тел.: (3712) 48-29-42, 48-28-74.**
**Факс: (3712) 48-19-20.**

Тошкентда жойлашган омбордан улгуржи ва чакана савдо йўли билан

*Туркиядан келтирилган оқ рангли эмаль, девор қоғози (обои), писта ёғи, енгил автомобиллар шиналари - R 13/155, 13/165, 13/175 (Германия, Франция ва Австрия маҳсулоти) ва гиламлар.*

**сотилади.**

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:**
***Тошкент ш., А.Тўқай кўчаси, 30а-уй, 1-кв.***
***Мўлжал: "Болалар дунёси" магазини қаршисида.***
**Телефон: (3712) 56-36-55.**


## ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ 21002UMFS - РАҚАМЛИ ЧИҚАРИЛИШИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 24 апрелда қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккинчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади.

***а) Чиқарилиш рақами: 21002UMFS;***
***б) Чиқарилиш ҳажми: 750 000 000 (етти юз эллик миллион) сўм;***
***в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўмни ташкил этади;***
***г) Облигациянинг қоплаш муддати: 1996 йил 24 июль;***
***д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин;***
***е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.***

Кимошди савдоси 1996 йил 24 апрель куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уйда ўтказилади.

Облигацияларнинг мазкур чиқарилишини харид қилишни хоҳлаган ва чиқарилган облигацияларнинг шартларига мувофиқ, ушбу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида келтирилган дилер - банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

| Тартиб рақам | Дилер | Манзили, телефон рақами |
|---|---|---|
| 1 | Ўзсаноат-қурилиш банки | Тошкент ш., А.Тўқай кўч. 3-уй. тел. 33-24-86, 36-14-77 |
| 2 | Миллий банк | Тошкент ш., Охунбобоев кўч. 23-уй тел. 33-78-17 |
| 3 | Ўзпахтабанк | Тошкент ш., Муқимий кўч. 43-уй тел. 78-10-94, 77-91-66 |
| 4 | Халқ банки | Тошкент ш., Қатортол кўч. 46-уй тел. 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14 |
| 5 | Ғаллабанк | Тошкент ш., Лохутий кўч. 36-уй тел. 36-16-17 |
| 6 | «Турон» банки | Тошкент ш., Навоий кўч. 44-уй тел. 42-23-85 |
| 7 | Ўзприватбанк | Тошкент ш., Амир Темур кўч. 24-уй тел. 34-64-88 |
| 8 | «Ипак йўли» банки | Тошкент ш., Фарҳод кўч. 12-а уй тел. 76-89-73 |
| 9 | Тошкент уй-жой жамғарма банки | Тошкент ш., Ўзбекистон шох кўч. 16-а уй тел. 45-62-39, 45-54-45 |
| 10 | Алоқабанк | Тошкент ш., Толстой кўч. 1-уй тел. 36-10-21 |
| 11 | Трастбанк | Тошкент ш., Навоий кўч. 7-уй тел. 41-01-10 |
| 12 | Ўзгеолбанк | Тошкент ш., Т.Шевченко кўч. 11-уй тел. 56-19-20 |
| 13 | Тошкент агроқурилиш банки | Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги кўч. 11-а уй тел. 77-27-55 |
| 14 | Андижонбанк | Андижон ш., Бобур шох кўч. 85-уй тел. 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон) |

## БИЛДИРИШНОМА

***"Савдогарбанк" Навоий филиали Янгирабод бўлимидан берилган қуйидаги векселлар яроқсиз ҳисоблансин:***

| Серияси | Тартиб рақами | Қиймати |
|---|---|---|
| АХ002 | 0003308 | 100000 |
| АХ002 | 0002779 | 50000 |

***Жами 150000 (бир юз эллик минг) сўмлик.***

*"Савдогарбанк " Бошқаруви.*


## "АЗИЯ ОЙЛ-ЭКОГЕОТ" БИРЛАШМАСИ

**пул ўтказиш йўли билан** ***юқори сифатли ВЕ-95 (Финляндия маҳсулоти) А-76 (Қозоғистон Респ. маҳсулоти) маркали бензинларни чекланмаган миқдорда сотади.***




**Ёқилғи қуйиш ва маҳсулотингизни сақлаб бериш хизмати ҳам кўрсатилади.**

***Шунингдек, юк ва енгил автомобиллар учун баллонлар, аккумуляторлар харид қилишингиз мумкин.***



**Ҳурматли тадбиркорлар, хусусий ЁҚШ лари бошлиқлари, фурсат ва омадни қўлдан бой бермай десангиз биз билан ҳамкорлик қилинг!**

Манзил:
Тошкент ш., Пушкин кўчаси-59, "Средазцветмет" институти биноси, 1-қават.
Тел.: 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.


## «Бағдоддонмаҳсулотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти барча акция эгалари диққатига!

**Жамиятнинг 1995 йил молиявий - хўжалик фаолияти бўйича умумий йиғилиши 1996 йил 27-апрель куни соат 10.00 да бошланади.**

*Кун тартибидаги масалалар:*

1. *Жамиятнинг 1995 йил молиявий -хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.*
2. *Тафтиш ҳайъати ҳисоботи.*
3. *Бошқа масалалар.*

## "Тошкент" РФБсида 1996 йил 16-18 апрель куни ўтказилган якунлари.

| N | Ҳиссаадорлик жамияти | Вилоят | Миқдори | Сотилган баҳоси | Сотилган суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Осиёсаёхтранс: | Тошкент шаҳри | 22624 | 150 | 3393600 |
| 2 | Баққоллык | Қорақалпоғистон Респуб. | 1850 | 500 | 925000 |
| 3 | Карабайлы гуриш заводи | Қорақалпоғистон Респуб. | 738 | 500 | 369000 |
| 4 | Касби Дори-Дармон | Қашқадарё | 72 | 100 | 7200 |
| 5 | Қарши такси | Қашқадарё | 100 | 500 | 50000 |
| 6 | Косон - 92 | Қашқадарё | 276 | 500 | 138000 |
| 7 | Тошкентканопсаноатсотиш | Тошкент шаҳри | 435 | 860 | 374100 |
| 8 | Зарафшон Агрокимёхизмат | Самарқанд | 1287 | 1050 | 1351350 |
| 9 | Садоқат | Самарқанд | 261 | 1100 | 287100 |
| 10 | АТП - 16 | Самарқанд | 1200 | 950 | 1140000 |
| 11 | Трест N 12 | Тошкент шаҳри | 17478 | 120 | 2097360 |
| 12 | Анзис | Андижон | 2731 | 746 | 2037326 |
| 13 | Саховат | Фарғона | 56 | 880 | 49280 |
| 14 | ДОС - 5 | Бухоро | 2632 | 200 | 526400 |
| 15 | Узэлектротаъмирлаш | Бухоро | 162 | 750 | 121500 |
| 16 | АТП - 61 | Бухоро | 822 | 450 | 369900 |
| 17 | Ромитан пахта тозалаш | Бухоро | 3216 | 750 | 2412000 |
| 18 | Бухоро дон | Бухоро | 1860 | 1050 | 1953000 |
| 19 | Хуршид | Самарқанд | 400 | 950 | 380000 |
| 20 | Самарқанд буровой инструмент | Самарқанд | 1500 | 1025 | 1537500 |
| 21 | ТСМХ | Тошкент шаҳри | 400 | 897 | 358800 |
| 22 | ТСМХ | Тошкент шаҳри | 330 | 897 | 296010 |
| 23 | Деновнон | Сурхондарё | 155 | 100 | 15550 |
| | ОДДИЙ АКЦИЯЛАР | | 60 585 | | 20 189 976 |


**Тиббиёт корхоналари ва дори-дармон бошқармаларининг раҳбарлари диққатига!!!**

***Ташкилотимиз қуйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади ва кўп миқдорда етказиб беришга шартномалар тузади:***

1. ***Тиббий рентген плёнкалари (ўлчамлари см. ҳисобида, маҳражда бир ўрамдаги плёнкалар сони):***
   - *13 х 18 / 100;*
   - *18 х 24 / 100;*
   - *24 х 30 / 100;*
   - *30 х 40 / 75.*
2. ***"Рентген-2" ишлов бериш дориси (проявитель), ТУ 6-09-3340-88.***
3. ***Фармакопейли кальций хлорид, ФС 42-2567-94.***
4. ***Фармакопейли барий сульфат, ФС 42-2567-94.***
5. ***Фармакопейли натрий тиосульфат, ФС 42-2871-92.***

**Телефонларимиз:**
**(3712) 53-87-40 (иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача), 55-54-41 (иш кунлари соат 18.00 дан 22.00 гача, дам олиш кунлари соат 8.00 дан 20.00 гача).**


Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси «Рус тили» кафедраси мудири, профессор Ш.М.Қориевага онаси **Турғуной ҚОРИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика кўз касалликлари шифохонаси жамоаси IV бўлим мудири Гулжамила Комиловага умр йўлдоши **Отабек ҲИДОЯТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

